



## МУСИҚА НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШДАГИ ЎРНИ.

**Ибрагимова Нилуфар Адхамовна**

Телефон: +998972480575

*ГулДу” Анъанавий хонандалик ва халқ чолгулари” кафедраси  
катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти халқнинг маънавий камолоти ва миллий руҳининг даражаси билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан XXI асрда давлатимизнинг равнақи, унинг кучи ҳамда салоҳияти кўп жиҳатдан халқ маънавиятининг юксаклиги ва поклигига, зиёлиларимиз, ёшларимизнинг интеллектуал саводхонлиги, билимдонлиги, бунёдкорлиги, ташаббускорлиги ва ватанпарварлигига боғлиқ.*

**Калит сўзлар:** *Муסיқа саводи, нота, регистр, метр, ритм, сольфеджио.*

Муסיқа инсон ҳаётида алоҳида ўрин тутлади. Муסיқа санъати – нафосат тарбиясининг муҳим омили бўлиб, ёш авлодни камолотга етиши учун таъсир этувчи жараён. Бу жараён мактабдан бошлаб шаклланади ва ёш авлоднинг ички дунёсини бойитиб, бутун ҳаёти мобайнида унга хамроҳ бўлиб боради. Муסיқий нафосат тарбиясининг ўзаги эса бошланғич синфлардан бошланади. Муסיқий нафосат тарбиясининг асоси – муסיқа маданияти дарслари ҳисобланади. Бошланғич синфларда муסיқа маданияти дарсларини унумли ўтиш ва болаларнинг мустаҳкам билим олишлари учун, бўлажак муסיқа ўқитувчиси муסיқа маданияти дарсларида бериладиган барча ўқув материалларини пухта ўзлаштириб бориши лозим.

Муסיқий саводхонлик барча билимларни назарий жихатдан бирлаштирувчи фаолият сифатида муҳим аҳамиятга эга. Дарс, дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида қандай фаолият (тинглаш, ижро этиш, муסיқий ҳаракатлар) ташкил этилмасин, муайян мавзудаги муסיқий асар ўрганилади ва ўқувчиларда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни, жанри, шакли, тузилиши, ижро услуби борасида янги тушунчалар ҳосил бўлади. Шу боис, муסיқий саводхонлик фақатгина нота ёзувларини ўрганишдан иборат бўлмай, балки ўқувчиларнинг умумий муסיқий лаёқатини таркиб топтирувчи умумий билим, тушунчалар мажмуаси (ижро анъаналари ва услуби, халқ ва бастакорлик муסיқаси, уларнинг фарқлари, миллий муסיқанинг ўзига хос хусусиятлари, классик муסיқа, нота саводи) ни ташкил этади.

Муסיқа саводини ўргатиш болаларнинг муסיқа товушларининг эшитиш сезгиларини ўсишига асосланиши керак. Ўқувчи бирор бир товушни овоз билан эсга туширишдан олдин унинг қандай янграшини аниқ-равшан тасаввур қилиши ва эшитиб билиши, яъни кўраяпман, эшитаяпман, куйлаяпман деб кўзга кўринадиган нарсдан эшитиладиган нарсага қараб бориши лозим. Кўпчилик бўлиб кўшиқ айтишда ҳам муסיқа саводини ўрганиш жараёнида ҳам эшитиш қобилияти, метр-ритм сезгиси



тараққий этади. Муסיқа саводини ўрганиш 1-синфда бошланади. Кўпгина болалар мактабгача тарбия даврида боғчага қатнаб, боғчадаги муסיқа машғулотларида бир қанча муסיқавий малакалар ҳосил қилган бўладилар, кўпгина қўшиқлар ва ўйинларни ўрганиб олган ҳамда ритм ва рақс ҳаракатлари билан танишган бўладилар. Уйда тарбияланган болалар ҳам муайян муסיқий тасаввурга эга бўладилар; радио ва телевидения орқали эшиттириладиган бир қанча муסיқа асарлари билан танишган бўладилар. Гарчи ана шу билимлар анча тасодифий ва системага солинмаган бўлсада, аммо ашула ўқитувчиси болаларда муסיқадан назарий тушунчалар ҳосил қилишда ўша билимларга маълум даражада суяниб иш кўриши мумкин. Болаларга товушларнинг баланд-пастлиги тушунчасини ўрганиш болалардаги мавжуд тасаввурларни аниқлашдан бошланади. Бунда регистр ҳақида тушунча бериб ўтилади.

Болаларнинг қўшиқ куйи ва матнини яхши эслаб қолишлари учун 1-дарс етарли эмас. Шу сабабдан қўшиқ муайян вақт давомида кўп марта такрорланади ва аста-секин ўрганиб олинади.

Муסיқа воситасида йўналадиган ҳис-туйғуларни сўз билан ифодалаш қийин. Шунга асосланиб, “Қачонки сўз беоқибат қолса, муסיқа ёрдамга келади”, деган эди буюк рус композитори П.И.Чайковский.

Маълумки, профессионал муסיқа санъатининг қуроли нота бўлиб, куй ва қўшиқлар нота асосида ижро этилади. Шу боис ўқувчини нота белгилари билан таништириб бориш муסיқа ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири саналади. Бу борада муסיқа ўқитувчиси катта билим ва тажриба ҳамда топқирлик маҳоратига эга бўлиши ва дарс жараёнида бу борада турли метод ва йўллардан фойдаланиши лозим. Бугунги кунда мактабнинг “Муסיқа маданияти” фани ўқувчиларига нотани ўргатишнинг турли усул ва йўллари мавжуд. Нотани ўрганишда товушлар паст-баландлигини аниқлаш учун нарвон поғоналари, турли баландликдаги тўғри чизиқлар, нотанинг чўзимларини ўзлаштириш учун эса, тарвуз ёки олма мевалари, тарвуз ёки олмани турли бўлақларга (бутун, иккига, тўртга ва ҳоказо) бўлиб, улар билан ноталар чўзимини қиёсий тарзда ўрганиш йўлларидан фойдаланилади.

Муסיқа ўқитувчиси ҳар томонлама етук билимга эга бўлиши лозим. Муסיқа ўқитувчиси авваламбор, муסיқа назариясини, яъни муסיқа саводидан биринчи ўринда хабардор бўлиши лозим. Назария билан амалиёт ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, улар доимо биргаликда фаолият юритадилар. Муסיқа ўқитувчиси шунинг билан холда болаларга авваламбор, муסיқа саводини ўргатиши лозим. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муסיқа саводидан хабардор бўлган ўқувчи янада муסיқа асарларини севиб эштадилар ва куйлайдилар. Ўзлари мустақил назарияни билган ҳолда, бирор бир куйни ёки асбобни ўрганишга интиладилар.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Ш, Ибрагимова Қ. “Педагогика назарияси” Т.,” Талқин” 2008.
2. Каримова Д. “Муסיкий педагогик маҳорат асослари” Т.,” Иқтисод-молия” 2008.
3. Bahodir Saydurasulovich Abdurasulov O‘ZBEK XALQ MUSIQASI ASOSIDA O‘QUVCHILARNI MA’NAVIY –AXLOQIY FAZILATLARINI SHAKLLANTIRISHNING ANAMIYATI Vol. 4 No. 1 (2023): Oriental Art and Culture /
4. Замира Унаровна Куйчиева КАСБИЙ МУСИҚА ШАРҚ МАҚОМОТИ ПОЙДЕВОРИ. Vol. 3 No. 6 (2023): ILM FAN TARAQQIYOTIDA ZAMONAVIY METODLARNING QO‘LLANILISHI /